IQRO JURNALI / 2023
GUVOHNOMA № 060680
E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934
IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
MAXSUS SON . VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРДА ЭКСПОРТ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Muallif	**Боймирзаев Зокиржон Машраббаевич**
O'qish yoki ish joyi	**Наманган муҳандислик –технология институти**
Qabul qilindi	**23.09.2023**
Nashr qilindi	**25.09.2023**

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт қилишга мўлжалланган товарарни ишлаб чиқаришни амалдаги холати, корхоналарни экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш имкониятлари, соҳадаги сўнги олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёритиб ўтилган. Шунингдек, кичик бизнес корхоналарини экспорт салохиятини оширишда мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

Кичик бизнес, экспорт, валюта, даромад, ишчи ўринлари, капитал, махсулот, ишлаб чиқариш, инвестиция, инвестор, рақобат, жахон бозори, корхоналар.

Кириш

Бугунги кунда кичик бизнес корхоналарини экспорт фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган стратегияларидан бири бу - тўғридан-тўғри экспорт амалиётини йўлга қўйиш ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт товарлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига рақобатбардош у ерда мустаҳкам ўрин эгаллаш, маҳсулот етказиб бериш ва уни жаҳон нархларида сотиш имкониятини қўлга киритиш, экспорт ҳажмини кейингги беш йилликда 1,5 баробар ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё миқиёсида савдо операциялари билан шуғулланиш аҳамиятининг ортиб бориши, аввало, турли мамлакатларнинг ташқи бозорларда миллий маҳсулотларини сотиш, ташқаридан эса маълум товарлар олиб кириш эҳтиёжи ва ниҳоят халқаро меҳнат тақсимоти туфайли юқори фойда кўриш истаги билан бевосита боғлиқ жараёндир. Ташқи савдо фаолиятида экспорт амалиётини устувор деб ҳисоблаш муҳимдир, бу ҳар доим миллий тараққиётнинг долзарб масаласи бўлиб келмоқда.

Экспорт ҳажмини ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланмоқда.

Материал ва метод

Бугунги кунда экспорт сўзи иқтисодиётни асосий калит сўзлари қаторига кирмоқда. Бу эса экспортни соҳада қилиниши керак бўлган энг муҳим ишлар сирасига киришидан дарак беради.

Экспорт, (инглизча "export" лотинча "exportare" сўзидан олинган бўлиб, четга (ташқи бозорга) чиқармоқ), чет эл ҳамкорига эгалик қилиш учун чет элга товарлар сотиш ва экспорт қилиш бўйича кўплаб тижорат операциялари мажмуи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, кичик бизнес субъектлари фаолиятида экспортнинг аҳамияти жуда катта.

Юқоридаги масалаларни мамлакатимизнинг йирик тадқиқотчи олимларидан М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Б.Ю.Ходиев ва бошқа олимлар ўз илмий изланишларида ёритиб ўтганлар.

Экспорт қилувчи ташкилот фаолият кўрсатаётган мамлакатнинг қулай географик жойлашуви ҳамда унинг мутаҳассисларининг малака даражаси, иқтисодий интеграцияси ва импорт қилувчи мамлакат аҳолисининг тўлов қобилияти рағбатлантирувчи омиллар сифатида қаралиши мумкиндир.

Кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт товарлар ишлаб чиқариш хажмига таъсир этувчи бирқанча омиллар мавжуд. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Чекловчи омилларга:

- ўз ва қарз маблағларининг етишмаслиги, бунинг натижасида кичик корхоналар замонавий ва юқори технологик асбоб-ускуналар харид қила олмасликлари;
- ликвид гаровнинг йўқлиги ёки бу гаровнинг ўз фаолияти бошланишида банк кредити учун етарли эмаслиги, бу еса кредит олиш имкониятини камайтиради;
- кичик бизнес маҳсулотларини минтақавий ва жаҳон бозорларига олиб чиқишнинг самарасиз механизмлари , шунингдек, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида ташқи бозорда рақобатнинг мураккаблиги ва ташқи бозорларга чиқиш муаммолари;
- ахборот тизимлари, маркетинг, менежмент ва логистика хизматларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- сотиш бозорларининг, шунингдек хом ашё ва материаллар бозорларининг етарли даражада ривожланмаганлиги;
- кичик бизнесда банд бўлганларнинг касбий малака даражасини пастлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш учун халқаро савдо шартномаларини тузиш муҳимдир. Етарли ресурсларга эга бўлган кичик бизнес субъекти тўғридан-тўғри хорижий ҳамкорлар билан халқаро савдо шартномаларини тузиб экспортни амалга ошириши имконига эга бўладилар, бунинг учун экспортни шакллантириш ва уни халқаро савдо, божхона ҳужжатларини бажариш, суғурта қилиш, халқаро транспорт операцияларининг муқобилларини таҳлил қила олиши, шунингдек стратегик маркетингни режалаштиришда етарлича тажрибага эгалиги муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил

Кичик бизнес корхоналарини экспорт фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган стратегияларидан бири бўлган тўғридан-тўғри экспортнинг афзаллик ва камчиликлар томонлари мавжуддир.

Биз қуйида айрим афзалликларига тўхталиб ўтмоқчимиз:

- мумкин бўлган ноҳақликдан ёки воситачиларнинг кам ваколатидан қочиш;
- ташқи бозорда экспорт қилувчи компаниянинг доимий мавжудлиги, бу ўзгаришларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва жавоб бериш имконини беради.

Тўғридан-тўғри экспортнинг асосий камчиликларига қуйидагилар киритиш мумкин:

- мустақил экспорт фаолиятини ташкил этиш учун инсон ва молиявий ресурсларни сезиларли даражада чалғитиш;
- мунтазам ва илгари нотаниш иш ҳажмини ошириш;

- халқаро савдо соҳасида етарли малаканинг йўқлиги туфайли экспорт харажатларининг ошиши;

- иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий ўзгаришлар, шунингдек, турли мамлакатларда бизнес юритиш анъаналари ва урф-одатларида ўзаро маданий фарқлар натижасида юзага келадиган хавфларни олиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Жаҳон тажрибасида тўғридан-тўғри экспортнинг камчиликларини инобатга олган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, тўғридан-тўғри экспорт операциялари асосан ташқи бозорга чиқиш учун етарли ресурсларга ва билимларга эга бўлган кичик бизнес корхоналар томонидан амалга оширилади.

Кичик бизнес корхоналарини экспорт фаолиятини амалга оширишда билвосита экспорт усулидан фойдаланиш стратегияси ҳам мақсадга мувофиқдир. Воситачилар етарлича билим ва тажрибаларга эга бўлиб, маҳаллий бозорнинг холати,урф-одатлари ва унинг рақобат муҳити билан яхши танишадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, билвосита экспорт воситачиларининг ҳажми, ташкилий тузилмалари ва номлари жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

Халқаро тажрибага қараганда, улар орасида, масалан, савдо уйлари, харид уйлари, брокерлар, шунингдек, товар-бозор ихтисослашувига эга бўлган экспорт-импорт воситачи фирмаларни келтиришимиз мумкин.

Билвосита экспортнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ташқи бозорларда воситачилик тажрибаси ва бизнес алоқаларидан фойдаланиш туфайли экспорт қилувчи учун қўлайликнинг туғилиши;

- экспорт қилувчини қўшимча молиявий ва инсон ресурсларини талаб этувчи экспорт функцияларидан озод қилиш;

- тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш учун бориш қийин бўлган бозорларга кириб боришни таъминлаш.

Билвосита экспортнинг камчиликларига қуйидагилар киради:

- экспортёр-ишлаб чиқарувчи ташқи бозор билан бевосита алоқаларни йўқотади;

- воситачи камдан-кам ҳолларда бир контрагент билан ўзаро алоқа қилиш билан чекланади ва бу баъзан экспортёрнинг товарлари билан ишлашга етарли эътибор бермаслиги, бинобарин, экспорт ҳажмининг қисқаришига олиб келиши мумкин;

- воситачи, қоида тариқасида, потенциал мумкин бўлган бозор улушига эришишга тўсқинлик қилувчи мураккаб ва машаққатли ишларни талаб қилувчи битимларни эътиборсиз қолдиради.

Билвосита экспортнинг ушбу камчиликларига қарамасдан, кичик бизнеснинг ташқи бозорга чиқиши учун кўпинча ягона йўл ҳисобланади.

Хулоса

Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар экспорт амалиётини йўлга қўйиш учун барча муқобил стратегияларни ҳисобга олиши, таҳлил қилиши ва қўйилган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда энг оқилона йўлни танлаши лозим.

Кичик бизнес фаолияти корхоналари иқтисодий қудратини кенгайтириш ва ташқи бозорга чиқиш эҳтимолини ошириш учун тегишли механизмларни яратиш, шунингдек, кичик бизнеснинг экспорт операцияларидаги иштирокини рағбатлантириш керак бўлади. Бугунги кунда жаҳон амалиётида экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва

экспортни кенгайтириш бўйича махсус чора-тадбирлар кенг қўлланилмоқда. Уларнинг асосий элементлари:

экспорт қилувчиларни имтиёзли молиялаштириш, субсидиялар бериш, экспортни кредитлаш, экспортга йўналтирилган корхоналарга солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш, экспортни суғурталаш, экспорт кредитлари учун давлат кафолатларини таъминлаш (агар маълум бир давр учун давлат бюджетида маблағлар етарли бўлмаса ва ташқи молиялаштиришни жалб қилиш мумкин эмас) ва бошқалар.

Юқоридаги барча экспортни рағбатлантириш чоралари турли мамлакатлар томонидан турли даражаларга қўлланилади. Ҳар бир давлат, корхона рақобатбардошлигини ва давлат бюджети имкониятларига қараб, шунингдек экспорт товар тузилиши ва унинг географик тақсимлаш бўйича, танлайди ва кам харажатларда энг катта амалий натижага эришиши мумкин, экспорт-рағбатлантирувчи чора-тадбирлар умумий мажмуи энг муносиб чора-тадбирлар амал қилади. Экспортни рағбатлантириш мақсадида катта ривожланиш салоҳиятига эга истиқболли тармоқларни экспорт қилишга қаратилган давлат сиёсати ҳам қўлланилади.

Кичик бизнес корхоналарини экспорт фаолиятини амалга оширишнинг яна бир усули-қўшма (кооператив) экспортни амалга ошириш бўлиб, у афзалликларни бирлаштиради ва бевосита ва билвосита экспортнинг камчиликларини камайтиради. Унинг асосий ҳусусияти экспортёр-ишлаб чиқарувчининг халқаро операцияларда янада фаол иштирок этишидир.

Кичик бизнес корхоналарини экспорт салохиятини оширишда қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

- экспорт салохиятини оширишда хориж тажрибасини кенг ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш;
- ишлаб чиқарилаётган махсулотлар таркибидаги хом-ашёлар сифатига алохида эътибор бериш хамда халқаро сертификатларни жорий этиш;
- жахон бозорига чиқишда кулай ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;
- экспорт махсулотларини сифатини ошириш билан биргаликда унинг ассотиментини хам кўпайтириш чораларини кўриб бориш мухимдир;
- кичик бизнес субъектларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-хуқуқий базани янада такомиллаштириш;
- кичик бизнес субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини босқичма-босқич камайтириш;
- кичик бизнес субъектларини ташкил этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш;
- кичик бизнес субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, хисобот топшириш тизимини соддалаштириш;
- кичик бизнес субъектларини молиялаштиришни самарали механизмларини қидириб топиш ва мавжудларини янада такомиллаштириш;
- кичик бизнесни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;
- кичик бизнес субъектларининг ташқи иктисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;

- илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йул очиб бериш;

- кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш кабиларни бажариш долзарб масала хисобланади.

Юқоридаги илмий тавсияларни амалиётда қўллаш ва унинг назоратини олиб борилиши келгусида кичик бизнес корхоналарини экспорт салоҳиятини оширилишига замин яратади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2020 № 4707 сонли “Экспорт фаолиятини янада қўллаб қувватлаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 07.05.2020 йил.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон «Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. 24.05.2019 йил.

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.08.2020 № 6042 сонли “Республикада экспорт ва инвестиция салохиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 18.08.2020 йил.

4.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПҚ-4949-сон «Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори. 14.01.2019 йил.

5. Лисовский М. “Ташқи бозорларга кирувчи компаниялар моделларининг қиёсий таҳлили”, илмий нашрлар архиви.
www.rusnauka.com/36_PVMN_2012/Economics/2_123319.doc.htm.

6. Sobirov Otabek Olimjonovich. The Cost Of Forming A Management Account In Business Entities. Journal of Pharmaceutical Negative Results. DOI: 10.47750/pnr. 2022. 13.S07-537. 4295-4298.

7. Собиров О.О. Бошқарув ҳисобининг моҳияти ва уни ташкил этишда харажатларнинг ўрни. Scientific Journal of “Internatsional Finance & Accounting” -ТМИ. Тошкент. 2022 йил август. Issue 4. ISSN:2181-1016.

8. O.O.Sobirov., M.Karimova. “Problems of Effective use of Key Equipment in Enterprises”. “International journal of Formal Education”. Volume: 2 Issue: 6 | Jun – 2023 ISSN: 2720-6874.

9. Otabek Olimjonovich Sobirov. Improment of management accounting methodology in economic entities. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” ТМИ. Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016

10. Sobirov O.O. Improvement of management accounting in economic entities. - Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) Dissertation on Economic Sciences. Tashkent. TMI. 2022 year.

11. Собиров О.О. «Хўжалик юритувчи субъектларда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари». Илмий монография. Наманган-2023 йил. УЎК: 657 (075.8). КБК: 65.052.2. ISBN:978-9943-5945-8-6.

12. Sobirov O. Product Development Cost Factors Affecting Reduction. American journal of Diplomacy and International Studies. Volume 01, issure 07, 2023 ISSN (E):2993-2157. www.grnjournal.us

13. Боймирзаев З.М. Theoretical issues of development of export production of small and medium business enterprises. American journal of economics and business management Vol. 3, No. 5, November-December 2020. 50-58 бетлар.

14. Боймирзаев З.М. Development of the Export Capacity of Small Business Enterprises in Uzbekistan. International Interdisciplinary Research Journal. Volume 2 Issue 3, Year 2023 ISSN: 2835-3013.225-228 бет.

15. Боймирзаев З.М. Korxonalarning exsport salohiyatini boshqarishda marketing tizimini rivojlantirish Science shine International scientific joyrnal. Volume 1,Issue 1 28 february 2023 yil 59-64 bet

16. Боймирзаев З.М. Kichik va o'rta biznes korxonalarini exsport tovarlar ishlab chiqarish strategiyalarini asosiy mohiyati va o'ziga xos xususiyatlari "Ta'lim tizimida ijtimoiy-gumanitar fanlar",Jurnal, 3-son йил. TDTU.2021 sentyabr (OAK) (23-28 бет)

17. Боймирзаев З.М. Ўзбекистон Республикасини экспорт салоҳиятини ривожлантиришда кичик бизнес корхоналарининг ўрни. Science and edukation scientific jornal. 12 dekabr 2022 yil . 1030-1034 бет.

18.www.lex.uz

19.www.stat.uz

WORDLY
KNOWLEDGE